

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

ND1802845014

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Xo`jalik munosabatlari**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: XALQ
TA'LIMMUASSASALARFAOLIYATINMETODIK TAMINLASH VA TASHKIL
ETISH BO'LIMI tomonidan 05.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul
qilish maqsadga muvofiq.

Yangiariq tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



Y.S.XO'JAMURATOVA

07.12.2022

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

2022 йил 07-Декабр

Янгириак шаҳарчаси

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Янгириқ туман халқ таълими бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбар Ш.Асқарова бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «MEGASTROY KORXONASI» МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи Б.Собиров иккинчи томондан, Хоразм вилояти Янгириқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 4-сон мактаб спорт майдончасини мукаммал таъмирлаш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1.1 Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

-**ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яққа тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

-**қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

-**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

-**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-**шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Янгириқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 4-сон мактаб спорт майдончасини мукаммал таъмирлаш ишлари учун кўзда тутилган лойиха бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда 334500000 (Уч юз ўттиз тўрт миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади. ҚҚС –43630434,78 сўмни ташкил этади.

3.2. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш кийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.

3.3 Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4 Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

- қурилиш майдони курикланишини таъминлаш;

- қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини буюртмачига тақдим қилади.

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

4.2 Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк тамонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада қузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

4.3 Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.

4.4 Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини такдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
- 5.2 Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

6.1 Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради.

6.3 Объектни **2022-йил 07-декабрдан** мукамал таъмирлаш ишлари бошланиб **2022-йил 31-декабрдан** фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

7.1 Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» килинади.

7.2 Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 % (фоизи) микдорида аванс ўтказди, бу **100350000** (Бир юз миллион уч юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

7.3 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблаглар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

7.4 Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

7.5 Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект курилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига катъий сарфланади.

7.6 Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнанинг охириги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тузиб такдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

7.7 Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

7.8 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

8.1 Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3 Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.4 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5 Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.6 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечииқиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

8.7 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС МАЖОР) ҚОЛАТЛАРИ.

9.1 Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2 Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

9.3 Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР.

10.1 Пудратчи:

- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қурсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг қамчиликларини далолатномада қурсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

11.1 Буюртмачи:

- шартнома қучга қиргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боглик булмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга қечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга қупайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш қадвалига қурия этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати қасайишига олиб қеладиган даражада бузилганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2 Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига қурилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

11.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етқазилган зарарни, шу жумладан бой қурилган қойдани тулайди.

11.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки маъмур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

12.1 «Пудратчи» ва «Буюртмачи» уртасида узаро шартнома имзолангандан сунг жорий таъмирлаш ишларини бажарадиган бино ёки иншоат қурилиш участкасини буюртмачидан далолатномага асосан қабул қилиб олади. Қурилиш майдони ёки участкаларда техник хавфсизлик қоидаларига қелишилган ишларни бажариш вақтида атроф муҳитнинг тозаллиги меҳнат муҳофазаси ёнгинни олдини олиш зарурий тадбирларни ишлаб чиқади ва бунга амал қилади. «Пудратчи» маъмур шартномадаги барча ишларни уз қучлари билан бажарилиши ҳамда объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тулик жавобгар. «Пудратчи» маъмур шартномада илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади. «Пудратчи» объектни фойдаланишга топширгунга қадар маъмур шарнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектни тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи «Пудратчи»нинг зиммасида бўлади. «Пудратчи» узининг томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари асбоб усқуналар ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида қурсатилган спецификацияларга Давлат стандартларига, техник стандартларига техник шартларга мувофиқ бўлиши ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди. Агар «Пудратчи» қелишилган ишларни белгиланган муддатларда тугата олмаса ишлар сифатсиз ҳолда бўлган деб топилса «Пудратчи» уларни тугатишнинг қечикиши оқибатида етказилган зарарни «Буюртмачи»га тулайди. «Пудратчи» бу шартномада қурсатилган қурилиш таъмирлаш ишларини қабул қилиш комиссиясига лойиҳа ҳужжатлари асосида ишини сифатли бажарган ҳолда топширади.

12.2 жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ажратилган бино, иншоат, қурилиш участкасини далолатномаси билан «Пудратчи»га топширади.

Қурилиш ишларини бажарилиши устидан «Буюртмачи» вақиллари қурилиш назоратини ва маъмур шартномада қайд этилган. «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиб боради. «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлайди. Молиялаштириш жадвалига биноан аванс маблағи беради. Белгиланган ишларни яқунланган деб топилиб комиссия орқали қабул қилинганда молиялаштиришни амалга оширади. «Буюртмачи» қурилиш майдонида уз вақилини техник аудиторини тайинлайди у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб усқуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқ текширади.

12.3 Агар бажарилган ишлар ёки қўрсатилган хизматлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалиқ шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос қелмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб пудратчидан сифати, ассортиментни ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, ишлар ва хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортиментни ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар етказиб берганлик учун жарима пудратчидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг сифати, ассортиментни ва нави лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

12.4 «Пудратчи» ишларни бажариш графигида кўрсатилган муддатларда қурилиш ишларини тугатмаган тақдирда «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

12.5 «Буюртмачи» шартноманинг 2-қисмида кўрсатилган муддатларда бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаган тақдирда «Пудратчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

12.6 Шартномада бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳужалик шартномаларни бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун «Ҳужалик юрутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунинг 25-32 моддаларида назарда тутилган жавобгарлик қоралари қўлланилади.

XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

13.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қилишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мувожаз қилишлари мумкин.

XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

14.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қилишувлари ўз қучини йўқотади.

14.2 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3 Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4 Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб қеладиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши қерак.

14.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни қечиктиришга ҳақлидир.

14.6 Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги қелишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. тугрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб қикилади.

14.7 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

14.8 Мазкур шартнома тамонлар имзолаган қундан бошлаб қучга қиради ва барча қучда тутилган шартнома шартлари тулалигича бажарилгунга қадар амал қилади.

14.9 Мазкур шартнома бир ҳил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.


14.10 Ушбу шартнома 2022 йил 31 декабрда амал қилади.

XV. ҚОРРУПЦИЈАГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР


15.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги қоррупцияга қарши қураш талаблари, шу жумладан, бу билан қекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

15.2. “Пудратчи” “Буюртмачи”га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), “Буюртмачи” манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, “Пудратчи” нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

Пудратчи:
“MEGASTROY KORXONASI” МЧЖ
 Адрес: Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Оқолтин кўчаси 9-уй
 Тел: +998 93 922-34-34
 Х/Р: 2020 8000 3049 3290 6001
 Инн: 302 089 195
 ИФУТ: 41202 МФО: 01020
 Банк: “Намкóрбанк” АТБ Урганч филиали
 Рахбар:  Б.Собиров

Буюртмачи:
Янгиарик туман халқ таълими бўлими
 Адрес: Навоий куча 39-уй
 Тел: 62-38-56-150
 Х/Р: 4017228603323370921000750020
 Инн: 200212331 МФО: 00014
 Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар ОКОНХ: 97600

Рахбар:  Ш.Асқарова



Ишларни бажариш ва ҳисоб китоб қилиш графиги

№	Объектнинг номданиши	Ўлчов бирлиги	Микдори	Сўм	IV - чорак		
					Октябр	Ноябр	Декабр
1	Янгиарик туман халқ таълими бўлимига қарашли 4-сон мактаб спорт майдончасини мукамал таъмирлаш	Объект	1	334500000			334500000
X	Жами:	X	1	334500000	0	0	334500000